



Хатми Куръон чогида риоя килиш керак бўлган одоблар ҳам бор бўлиб, булар саҳобаи киромлар ва улуг Куръон устозларидан накл килингандир. Улардан асосийлари куйидагилар: – Бир ҳафтада хатм килганда уни жума куни бошлаб, пайшанба куни тугатишни баъзи уламолар мустаҳаб

санашган. – Хатм киладиган куни рўза тутиш. Буюк тобеинлардан Талха ибн Мусарриф, Хабиб ибн Собитлар шундай килишар эди. Бу ҳам хатм ва дуонинг қабул бўлиши умидида килинадиган амаллардандир. – Куръон ўқиш одобларига риоя килиш. Пок ҳолатда, пок кийимда, пок жойда, таҳоратли холда, иложи бўлса, киблага юзланган холда бўлиш. – Муносиб жой ва вақт танлаш. Хатми Куръон ҳар хил ўйин-кулги, шовкин-суронлардан холи, осуда, калбни ҳозирлашга монанд жойда бўлиши керак. Масжид, мадраса, солихлар маскани, илм аҳли ҳузурида, умуман олганда, дуо кубул бўлиши умид килинадиган ўринларда бўлса, янада яхши бўлади. Шунингдек, сахар вақти, дуо қабул бўладиган соатларни танлаш мақсадга мувофиқдир. Имом Доримий Аъмашдан ривоят килади: «Иброҳим: «Агар киши Куръонни кундузи ўқиб тугатса, фаришталар кечгача унинг ҳақкига салавот айтади. Агар у уни тунда ўқиб тугатса, фаришталар тонггача унинг ҳақкига салавот айтади», деди. Асхобларимизнинг Куръонни кундузнинг аввалида ёки туннинг аввалида хатм килишни хуш кўришларини кўрганман». «Фатовои хиндия»да айтилади: «Хатмнинг ёзда куннинг аввалида, кишда туннинг аввалида бўлиши мустаҳаб. «Сирожийя»да шундай». – Хатмни оила аъзолар ва яқин кишилар иштирокида килиш. «Кўпнинг дуоси кўл бўлади», дейди доно халкимиз. Жамоатдаги биргина кишининг «омин»и сабабли дуолар қабул бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Шу билан бирга, хатми Куръон чогида муҳлис мўмин кишиларнинг ҳозир бўлиши файз устига файз бўлади, Куръоннинг эъзози, тантанаси бўлади ва бир канча мўмин-мусулмонларнинг хатми Куръон фазилати ва дуоларидан баҳраманд бўлишларига кўмаклашиш бўлади. Собит Бунонийдан ривоят килинади: «Анас ибн Молик Куръонни хатм киладиган бўлса, аҳли оиласи ва фарзандларини тўплаб, уларнинг ҳақкига дуо килар эди». Доримий ва Табароний ривоят килишган. – Айрим салафи солихларнинг хатми Куръон муносабати ва хурсандчилиги учун ҳадялар тортик килганлари, шукрона зиёфат берганлари айтилади. – Ҳар гал хатмни тугатганда янги хатм бошлаб кўйиш. Бу ҳақда ҳадиси шариф ворид бўлган (бу ҳадис кейинроқ келади). – Бир хатмни тугатиб, кейин янгисини бошлаш.

Салафи солихларнинг тутуми шундай бўлган. Факат кундузи бир хатм, кечаси бир хатм килмокчи бўлса, ё намозда алохида, ундан ташкарида алохида, ёки мусхафга караб бир хатм, ёддан бир хатм, ёхуд хаджда бир, тажик ё тавдирда (бу истилохлар хакида кейинрок батафсил маълумот келади) бир хатм килаётган бўлса, бирданига иккита хатмни бошлаб, тугатиш мумкин. – Хатмни бардавом, узлуксиз килиб бориш. Вазифа белгилашда унинг давомий бўлишини эътиборга олиш матлубдир. Бир кизикканда ўкиб кўйиб, кейин ташлаб кўйиш яхши эмас, албатта. «...» :«...» :«...» «...» :«...» .«...» .«...»

Оиша (розияллоху анҳо)дан ривоят килинади: «Набий (соллаллоху алайхи васаллам)дан: «Амалларнинг кай бири Аллохга энг суюкли?» деб сўрашди. У Зот: «Оз бўлса хам, давомлироги», дедилар. Яна: «Амаллардан токатингиз етадиганини зиммангизга олинглар», дедилар». Бухорий ривоят килган. – Хатмда мусхафдаги тартибга амал килиш. Яъни оят ва сураларни бир четдан, юкоридан пастга караб ўкиш керак, териб ўкиб хатм килиш одобдан эмас. – Хатми Куръон килишдан кўзланган асосий максадлардан бири – Куръон маъноларидан бохабар бўлиш, унга боғланиб туриш экан, Куръонни ўкиб, бевосита тушуна олмайдиган кишилар кўшимча равишда Куръони Каримнинг маъно таржимаси ёки тафсирини хам ўкиб боришлари матлубдир. Ана шунда кўзланган максад тўқис хосил бўлади. Куръонни хатм килишда бажарилиши лозим бўлган одоблардан энг кўзга кўринган ва салафлардан накл килинган амал – бу такбиру тахлил айтиш ва дуо килишдир. Энди сўз шу хусусда.